
"Бекобод" маҳалласида маънавий-маърифий тадбирлар доирасида ёшлар ўртасида футбол мусобақаси ўтказилди

Фурқат туманида ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларни спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтириш мақсадида маҳаллаларда спорт мусобақалари мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Жумладан, "Бекобод" маҳалла фуқаролар йиғинида маҳалла фаоллари ташаббуси билан "Спорт бизни бирлаштиради" шиори остида 27-декабрдан 5-январь кунигача маҳалла ёшлари ўртасида футбол мусобақаси ўтказилди.

Мусобақа якунида 1-ўринни 1994 йилда туғилган ёшлар жамоаси, 2-ўринни 1988 йилда туғилган ёшлар жамоаси, 3-ўринни 2006 йилда туғилган ёшлар жамоаси эгаллашди.

Шунингдек, мусобақада фаол иштирок этган "Энг яхши дарвозабон", "Энг яхши ҳужумчи" ва "Энг ҳимоячи", "Энг намунали ўйинчи" "Энг фахрий ўйинчи" номинациялари аниқланиб, туман ҳокимилиги ва турнир ташкилотчилари томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Бу каби мусобақалар ташаббус ва тадбирлар доирасида кўплаб маҳаллаларда давом эттирилмоқда.

2024-01-06 11:21:22